

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ИЖТИМОЙ ТАҲДИДЛАРГА МОЙИЛ ОИЛАЛАРДА МАЪНАВИЙ-
АХЛОҚИЙ МУҲИТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ
ГЕРОНТОПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ”**

мавзусида республика илмий-амалий конференцияси

мақолалар тўплами

Тошкент – 2020

“Ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштиришнинг геронтопедагогик асослари” конференциянинг ташкилий ва дастурий қўмитаси

1. **А.Ю.Умаров** - ТДПУ ректори, ташкилий қўмита раиси
2. **Б.С.Абдуллаева** - ТДПУ, илмий ишлар бўйича проректор, раис муовини
3. **В.Т.Ишқуватов** - ТДПУ, Тарих факультети декани, аъзо
4. **Н.Т.Қолқанов** - ТДПУ, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, аъзо
5. **А.Абдазимов** - ТДПУ, Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, аъзо
6. **М.Мирзаев** - ТДПУ, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси доценти в.б. аъзо
7. **А.Т.Тургунова** - ТДПУ, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси доценти в.б. аъзо
8. **Х.Д.Холмирзаев** - ТДПУ, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси доценти, аъзо
9. **Х.Ўтанов** - ТДПУ, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси, аъзо

Тўпламда нашр этилган мақола ва тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар масъулдирлар.

Такризчилар:

О.Бозоров – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи

А.Эшмуродов – Ўзбекистон Миллий тикланиш ДП сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

М.Мирзаев – Низомий номидаги ТДПУ доценти, тарих фанлари номзоди

Ш.Б. Назирбекова, Р.Р. Жаббаров. Талабаларга миниатюра дарсларида композиция воситаларини устоз шогирд анъаналари асосида ўргатиш орқали тасвирий кўникма малакаларини шакллантириш.....	123
О.Ф. Эшдавлатов. Ёшлар тарбиясида устоз шогирд анъаналарининг аҳамияти.....	126
Н.Талипов, А.Соипова. Талабаларда нақш композициясини тузиш компетенцияларини шакллантириш.....	128
Г.Х. Бойқўзиева. Ўзбекистонда хотин-қизлар муаммоларини ислоҳ қилиш масалари.....	130
Sh.Q. Amirxo'jaev. Buyuk halqimiz mutafakkiri Abu Ali ibn sinoning oiladagi ta'lim - tarbiya uslublari.....	134
Н.Х. Исаева. Ёшларни тарбиялашда устоз-шогирд таъмойилининг ижобий таъсири.....	135
Н.С. Тошпўлатова. Ёшлар бузғунчи зоялар объектига айланиш шароитида мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалалари.....	137
М.Отанова, О.Данабеков. Yoshlar tarbiyasida keksa avlod tajribasi, o'tmish va bugunni bog'lagan- ko'prik.....	140
Н. Талипов, Ч.Хожибоева. Натюрморт ишлашда талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш.....	143
Т.Х. Жумаев. Ёш авлод тарбиясида мактабгача таълим соҳасининг роли. ўзбекистон ва жанубий корея ҳамкорлиги.....	145
М.А. Расулов, Д.Б. Акмалова, С.А. Юсупова. Ёшлар тарбиясида кекса авлод таъсирини оширишда амалий санъатнинг ўрни.....	148
А.С. Равшанов. Ёш авлод маънавий – ахлоқий камолотида устоз-шогирд анъаналарининг ижтимоий фаоллиги.....	152
Н.Х. Исаева. Ёшларни тарбиялашда устоз-шогирд тамойилининг ижобий таъсири.....	155
Н.М. Эгамбердиева. Алишер Навоийнинг устоз сифатида ёшларни тарбиялашдаги эстетик зоялари.....	157
А.Х. Худаёров. Ёшлар тарбиясида кекса авлод таъсирини янада ошириш - давр талаби.....	159
Х.Б. Кадирова, У.К. Кадирова. Ёшлар тарбиясида кекса авлод таъсирини ўзига хослиги.....	161
Т.Нoshimov, N.T.Eshquvatova, R. Tursunqulov. Kexsa avlod salomatligini asrash va ularning tajribasini yosh avlodga yetkazish masalalari.....	164
Р.Р. Жаббаров, Ш.Б. Назирбекова. Амалий санъат асарларининг ёшларимизга таълим - тарбия беришдаги аҳамияти.....	166
А.М. Эгамбердиева. Жамиятда ёшларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш устоз-шогирд анъаналарининг ўрни.....	168
Н.М. Абдуллаева, Ҳ.И. Акбарова. Устоз-шогирд анъаналари – ёшларда соғлом дунёқарашни шакллантириш омили.....	170
М.М. Мамадалиев. Ўзбек миллий анъана, урф - одат ва ахлоқ меъзонларининг шакллантиришда кекса авлоднинг роли.....	172
Х.Ахмедов. Ислоҳотларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти.....	175

учун ишлатиладиган асбоблар. Пардозлаш жараёнида баъзи жойларда кесадиған ва ўядиган асбоблардан ҳам фойдаланилади.

Лаганга пардоз бериш босқичида пардозлаш, чизик очишда ишлатиладиган асбоблар ёрдамида бошланади. Бу жараёнда чап кўлда асбобни, ўнг кўлда тўқмоқни ушлаб секин-аста зарб бериб, новдаларнинг ўртаси, гуллар ва баргларнинг чет қисмлари очиб чиқилади. Сўнг думалоқ шаклда чуқурча очадиган махсус асбоблар ёрдамида марғулалар ва яна керакли қисмлари очилади. Бу иш амалга оширилгач, шиладиган махсус асбоблар ёрдамида гуллар ва баргларнинг шилинадиган қисмлари шилиниб, оқартириб чиқилади. Пардозлаш ишлари якунига етказилгач, лаганнинг ўйилган қисмларига тушган қипиқлар тозалаб ташланади.

Ўйилган лаган наққошлик билан ҳамкорликда ишланганлиги учун, унинг бўш қолган ўрта қисмига ўлчамлари мос келувчи нақш буюми ПВА елими ёрдамида ёпиштирилади. Ўрнатилинаётган наққошлик буюми албатта лаганнинг рангига ва композициясига мос келиши лозим. Биз кўриб ўтган лаганга нақш композицияси ўйишни усуллари номли мақолада чизиш, ўйиш, пардозлаш ва локлаш усулини кўриб чиқдик.

ЁШ АВЛОД МАЪНАВИЙ – АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИДА УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИ

А.С. Равшанов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, замонавий олий таълим муассасалари ҳамда нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ишларни мутлақо янги тизим асосида ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида «Ёшлар — келажакимиз» Давлат дастури қабул қилинди.

Ёшлар билан доимий мулоқот қилиш мазкур соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда¹⁴³. Шундан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки бугунги кунда устоз-шогирд анъанаси баркамол авлод таълим-тарбиясида ижтимоий йўналишлардан бири сифатида эканлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаш мумкин. Маълумки, олий ўқув юртларида бўлғуси мутахассис ўқитувчиларга тарбиявий таъсир қилувчи устоз-шогирд анъаналари тажрибаси амалий тасдиқланган омил сифатида ифодаланади. Тарихий шароитларининг ўзгариши борасида тўпланган тажрибаларни ёшлар

¹⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон қарори

онгига етказиш шакллари ҳам ўзгариб бормоқда. Маънавий-мафкуравий, маданий-моддий бойликларни тез суръатда ривожланиб бориши тўпланган маънавий бойликларни ўсиб келаётган ёш авлод онгига етказиш тирик эстафетани ташкил қилади. Бугунги кунда устоз-шогирд анъаналарини янада ривожлантириш учун қулай муҳит яратилди. Жамиятда турли соҳаларда амалга оширилаётган ишларнинг тез суръатларда ривожланиб бориши ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлашни, уларни таълим-тарбия муассасалари жамоаларига келиб қўшилиши зарурлигини тасдиқлайди. Бу эса ўз навбатида таълим тизимини бутунлай ислоҳ қилишни талаб этади. Олий ўқув юртлири олдида эса таълим-тарбия вазифаларини замон талабларига мослаштириш зарурлиги қайд қилинади. Уларни ҳаётга тадбиқ қилиш бўлғуси касб эгаларини оталиқга олиш жараёндан бошланиб устоз-шогирд анъаналарига йўл олади. Бу борада оталиқ ишларини оммавий тарзда амалга ошириш учун қилинган қадамлар устоз-шогирд анъаналарини ривожлантирди. Шулардан келиб чиққан ҳолда устозлар иш мазмунларига қўйилаётган талаблар уни ташкилий жараёнларида ҳам бир қатор ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда устоз-шогирдлик анъаналарини давлатимизнинг барча ишлаб чиқариш соҳаларида, айнан таълим-тарбия муассасаларида ўз мазмун-моҳиятига эга бўлиб махсус тизим сифатида мақсад, вазифалар ва фаолият шаклларини ранг-баранглигида кўрамыз¹⁴⁴.

Баркамол авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш шароитида барча жамоаларнинг ижтимоий фаоллиги асосий ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқариш кучларининг тез суръат ижтимоий ўсиб бориши, нафақат ишчи кучларининг ижтимоий фаолият шакллари, балки уларни тарбиялаб шакллантирувчи устозларнинг ҳам ижтимоий фаоллиги билан боғлиқ. Ижтимоий фаоллик турлари асосан ҳар бир кишининг мустақил фаолият турлари билан чамбарчас боғлиқ. Устозларнинг ижтимоий фаоллиги ўз-ўзини бошқариш, турли йўналишларда дўстона рақобатбардошликни ўрнатиш ҳаракатдаги илмий-услубий кенгашларда иштирок этиш, илмий таҳлил ҳайъатларида шогирдлар фаоллигини тасдиқлаш, шогирдлар билан ҳамкорликдаги фаолиятларни режалаштириш каби шаклларда ифодаланади. Жамият баркамол авлодни шакллантириш ҳаракати ҳар бир шахсни, айнан, бўлғуси ўқитувчиларни тайёрлашда уларни ижтимоий фаоллигини амалга ошириш, ўзларини ижтимоий моҳиятларини тушунишларини таъминлаш каби кўп қиррали вазифаларни бажаришга ўргатиш билан боғлиқ. Натижада, устоз-шогирдлик анъанаси онгли ва кўпгина мақсадларни амалга оширишга қаратилган жараёнга айланиб боради. Уларнинг фаолиятлари орқали, сафлари кенгайиб боради, ҳар бир талаба ўзлигини турли йўналишларда намоён қилади. Шундай қилиб, бир вақтни ўзида талаба оммасини фаоллиги асосида, ҳар бир талабанинг ижтимоий, илмий-услубий қиёфаси шаклланади. Талаба шахсини ижтимоий фаоллиги устозлар назорати асосида тизимли талаб қилинадиган эҳтиёжга айланади. Устоз-

¹⁴⁴ Исмоилова З.К. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг назарий ва экспериментал-методик асослари (—Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар| асари асосида). П.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган илмий маъруза шаклидаги дисс- Т., 2006. 37 – бет.

шогирдлик ҳаракати оталик стаж маъносида махсус маърифий ҳужжатларга кўра 1964 йилдан ишлаб чиқиш муассасаларида бошланган. Устоз-шогирдлик ҳаракати доирасидан четда қолган профессор-ўқитувчилар (асосан ёш ўқитувчилар) ўзларига таклиф қилинган ижтимоий топшириқлар орқали талаба-ёшлар фаолиятларига оталик қилганлар.¹⁴⁵

Устоз-шогирдлик анъаналарига содиқлик ҳар иккала томонда мавжуд бўлган баъзи бир салбий хусусиятларини фаолиятларида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни ўз вақтида кўриш ва бартараф қила билаш имкониятларини яратади. Чунки баъзан устозларга ўз ҳаракатлари билан олийгоҳ тартиб интизомидан чекка чиқувчи, дарсга лоқайдлик билан қаровчи, тизимли равишда дарсга кеч қолиб келувчи, ижтимоий-фойдали меҳнатга салбий муносабатда бўлувчи талабалар бирктилиб қолади. Бундай талабаларга албатта биринчи навбатда ўзларига хос тарбиявий таъсир воситалари, услубларини топиш жуда қийин. Бу жараёнда устоз-шогирдларнинг бир-бирларга нисбатан психологик мос бўлмаслиги ишда ҳалақит бериши мумкин. Устоз уларга эътибор қилмасдан яхши сўз, мулоқот, муносабат жараёнини очик кўнгиллик билан ўрната олиши орқали шогирд кўнглига мос вазифасини бажаришдан уни аста-секинлик билан таълим-тарбия жараёнига етаклаб бора билиши керак. Бундай ҳолат эса ўз навбатида ўзаро ижтимоий- психологик муносабатларини яхшиланишига олиб келади. Шунини ҳам изоҳлаб ўтиш зарурки, яъни устоз-шогирдлик муддати давомийлиги қанча муддатни ўз ичига олиши кераклигини аниқлаб олиш зарурми ёки устоз-шогирдлик бутун бир умрга давом этадими деган масалалар бир қатор кенгашлар, мажлислар, ўзаро суҳбатлар мавзусига айланган. Бундай ўзбекона урф-одатларга таянган ҳолда бу масала устоз-шогирдларни ўзаро бир умрга барча ишларда ҳамдард, ҳамнафас бўлишлари кераклигини тасдиқлайди. Энди устоз-шогирдлик муносабатлари фақат ўқув фаолиятларида амалга ошириладиган жараён сифатида қараладиган бўлса, шогирдларни олийгоҳни муваффақиятли тугаллашлари, иш ўринларига эга бўлишлари, ўзларини ҳам устозлик фаолиятларини бошлашлари билан бу жараён яқунланади. Шундай бўлса ҳам устоз шогирдлик бу бутун умрлик жараён деб қаралади. Чунки ҳар бир устоз ўз фаолиятини турлича қабул қилади, турлича услуб. воситалар орқали амалга оширади ва ўз қобилияти доирасида таълим-тарбиявий таъсир доирасини белгилайди. Ижтимоий ҳаёт тажрибасининг тасдиқлашича инсониятнинг бўлғуси ижтимоий-сиёсий фаоллиги, таълим-тарбияни авлоддан-авлодга етказиш асосида амалга оширилишини тасдиқлайди. Бундай юқори даражадаги тасдиқланишлар устозлик фаолиятини ҳам юқори даражада баҳолаш зарурлигини ифодалайди. Устозларнинг фаолияти шогирдларда вақт кўрсаткичларни умум давлат миқёсида амалга оширишга ўрнатишдан иборат. Бу жараёнда эса вақтни қандай тақсимлаш масаласини ҳал қилишда устоз кўрсатмалари асосий ўринга эга. Ҳар қандай вақтни тақсимлашда мақсад, вазифа, воситалардан қандай фойдаланиш зарурлигини ўргатиб шогирдларни бўш вақтларини сермазмун йўналишда билим, кўникма, малакалар эгаллашга

¹⁴⁵ Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. Монография. –Т.: —Фалсафа ва ҳуқуқ институтини нашриёти, 2007. –16 бет

жалб қила билиш устоз сиймосини янада обро-эътиборли шахсга айлантиради.

Устознинг таъсир қилиш йўналиши шогирдларни бўш вақтларида ижтимоий фойдали меҳнатга жавоб қилиш, ўзи яшаб турган маҳаллада маданий-оқартув ишлари билан шуғулланишга ўргатиш, спорт билан шуғулланиш кабилар орқали жамият талаб қиладиган сифатларга эга бўлган шахснинг шакллантиришга эътибор қилишдир. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, устоз-шогирдлик анъанасининг фақат моддийиқтисодий томонига эътибор қилинадиган бўлса бу фаолият асоси ҳеч қандай таълимтарбиявий аҳамиятга эга бўлмайди. Демак, бу фаолият асосида ихтиёрийлик тамойили билан бир қаторда, тизимли равишда ҳамкорлик мазмунида ҳар иккала томонини мутахассислик даражасини юқори даражага кўтариши ҳам ўз ифодасини топсди. Уларни юқори даражадаги умум мутахассислик хусусиятлари билан биргаликда маданий мулоқот, муносабат даражалари ҳам ривожланиб, шаклланиб боради. Яъни улуг мутафаккирларининг фикрларига кўра бўлғуси мутахассисни ҳар томонлама шакллантириш учун уни ўзини ҳам ҳар томонлама билиш зарур деган талаблар “Устозшогирд” анъаналари асосида амалга оширилади. Устозлар томонидан ўз шогирдларининг ҳаёт мазмунлари билан яқиндан танишиш учун уларга тубандаги тартибда саволлар тақдим қилинди: шогирдлар ўзларининг бўш вақтларини қандай ўтказишларининг степендияларини нималарга сарф қилишлари, мустақил таълим олишга қанча вақт сарф қилишлари, дўстлари, ўртоқлари кимлар, танлаган касблари ёқадими, нималарга қизиқишлари кабиларни биладиларми деган саволлар тақлиф қилинди. Олинган жавобларни кўрсатишича, устозларнинг асосий қисми бу саволларга тўғри тасдиқловчи саволлар келтирилганликларини кўрсатади.

ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА УСТОЗ-ШОГИРД ТАМОЙИЛИНИНГ ИЖОБИЙ ТАЪСИРИ

*Н.Х. Исаева, ТДПУ “Иқтисодий билим асослари”
кафедраси катта ўқитувчиси*

Мустақилликнинг шарофати билан аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратиб келинган бебаҳо маънавий мерос, унутилган кадриятларимизни қайта тиклаш, миллий ўзликни англаш масаласи давлат ҳукумати даражасига кўтарилди. Миллий анъана ва кадриятлар қайтадан тикланиши ва мустаҳкам қарор топиши натижасида, кексалар зиммасига халқимиз амал қилиб келган анъана ва кадриятларни ёшларга етказиш, уларга ўргатиш вазифаси юкланди. Азал-азалдан халқимиз ўзининг юксак маънавияти ва гўзал одоб-ахлоқи, миллий кадриятлари билан бошқа халқлардан ажраб келган. Ота-боболаримиз ўз миллий ва диний кадриятларига жуда қаттиқ риоя қилдилар ва келажак авлодга намуна бўладиган ҳаёт кечирдилар. Риоя қилинган шундай гўзал кадриятлар жумласига устоз-шогирд тамойили ҳам киради. Устоз-шогирд тамойили – ёшларда касбий маҳоратни тарбиялаш, маънавий-маърифий салоҳиятини ошириш, изланиш, ўз устида меҳнат қилиш, бир сўз билан айтганда ҳар томонлама етук малакали